



The concept, essence and legal characteristics of social protection of employees of internal affairs bodies

Lola RADJAPOVA¹

Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan

ARTICLE INFO

Article history:

Received May 2024
Received in revised form
15 June 2024
Accepted 25 June 2024
Available online
15 July 2024

Keywords:

social protection,
social security,
social guarantees,
benefits, employees of
internal affairs bodies,
pensions of internal affairs
bodies,
Social protection of
employees of internal affairs
bodies and their social
security.

ABSTRACT

In this article, the author studied and analyzed the opinions of legal scholars on issues of social protection and social security, and also revealed the content and essence of concepts related to the social protection of employees of internal affairs bodies and their social guarantees. At the same time, the essence of social protection and social security of employees of internal affairs bodies was outlined, the legal characteristics of which were disclosed in detail.

2181-1415/© 2024 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol5-iss6/S-pp51-59>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Ички ишлар органлари ходимларининг ижтимоий ҳимояси тушунчаси, моҳияти ва юридик тавсифи

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада муаллиф томонидан ижтимоий ҳимоя, ҳуқуқшунос олимларнинг ижтимоий таъминотга оид фикр-мулоҳазаларини ўрганиб, таҳлил қилинган, шунингдек ички ишлар органлари ходимларининг ижтимоий ҳимоясига оид тушунчаларнинг мазмун-моҳияти ва уларнинг ижтимоий кафолатлари ёритилган. Шу билан бирга, ички ишлар органлари ходимларининг ижтимоий ҳимояси ва ижтимоий таъминотининг моҳияти, юридик тавсифи ёритилишига ҳаракат қилиниб, уларга таъриф берилган.

Калит сўзлар:

ижтимоий ҳимоя,
ижтимоий таъминот,
ижтимоий кафолатлар,
имтиёзлар,
ички ишлар органлари
ходимлари,
ички ишлар
органларининг пенсияси,
ички ишлар органлари
ходимларининг ижтимоий
ҳимояси ва уларнинг
ижтимоий таъминоти.

¹ Independent applicant, Faculty of Postgraduate Education, Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan. E-mail: lolaradjapova8808@gmail.com

Понятие, сущность и правовая характеристика социальной защиты сотрудников органов внутренних дел

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

социальная защита,
социальное обеспечение,
социальные гарантии,
пособия,
сотрудники органов
внутренних дел, пенсии
сотрудников органов
внутренних дел,
социальная защита
сотрудников органов
внутренних дел и их
социальное обеспечение.

В данной статье автор изучил и проанализировал мнения ученых-юристов по вопросам социальной защиты и социального обеспечения, а также раскрыл содержание и суть понятий, связанных с социальной защитой сотрудников органов внутренних дел и их социальными гарантиями. При этом была изложена суть социальной защиты и социального обеспечения сотрудников органов внутренних дел, юридическая характеристика которых была подробно раскрыта.

Халқнинг хоҳиш-иродаси асосида қабул қилинган, янгиланган Конституцияда ижтимоий, ҳуқуқий ва дунёвий давлатнинг барча нормалари акс эттирилган. Хусусан, Бош Қомусимизда: “Ўзбекистон – бошқарувнинг республика шаклига эга бўлган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат” [1] дея белгилаб қўйилган. Ижтимоий давлат энг аввало ўз фуқаролари фаровонлиги, ижтимоий ҳимояланганлиги юзасидан ғамхўрлик қиладиган давлатдир.

Ушбу ижтимоий давлатда ички ишлар органлари фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини ноқонуний тажовузлардан ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимида алоҳида ўрнига эга. Яъни ички ишлар органларига юклатилган хизмат мажбуриятлари ва вазифаларини бажариш билан боғлиқ фаолияти кўп жиҳатдан зарур бўлса ҳам, лекин хавфсизлик хусусиятига эга. Шу билан бирга, улар фаолиятининг бир қатор йўналишлари давлатнинг муайян функциялари мазмунини ўз ичига олади, уларнинг аҳамияти давлатнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий функцияларида энг аниқ намоён бўлади.

Ижтимоий муносабатлар тез суръатларда ўзгариб бораётган шароитда кучли ижтимоий ҳимояни таъминлаш олимларимиз [2] таъкидлаганидек, муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, бозор иқтисодиётига ўтишнинг бошланғич даврида мамлакатимизда очиқ ижтимоий сиёсат юргизиш йўли танланган [3]. Ўша кезларда давлатнинг оғир иқтисодий вазияти аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар кўришини кун тартибига қўйгани ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш 30 хил соҳа ва йўналишлар бўйича амалга оширилди.

Бундай тизим барча аҳолини, шу жумладан ички ишлар органлари ходимлари ва уларнинг оилаларини ҳам қамраб олди, ижтимоий ҳимоянинг асосан давлат маблағлари ҳисобидан турли кўринишларда бўлганлигини кўрсатади. Масалан, аҳолининг алоҳида категорияси сифатида ички ишлар органлари ходимлари пенсия таъминотининг тўлиқ давлат ҳисобидан амалга оширилганлиги, турли ижтимоий имтиёзлар (масалан, транспорт имтиёзлари) берилиши, ходимларнинг оилаларига нафақаларнинг бюджетдан молиялаштирилиши (масалан, ходим вафот этса, унинг оиласига нафақа

тайинланиши), хизматдан ногиронлик билан бўшаганларга ижтимоий хизмат (масалан, санаторий-курорт даволаниш, тиббий таъминот) ёки ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлашнинг бошқача шаклларида (масалан, уй-жой ажратилиши) қўлланилиши давр тақозоси билан амалга оширилган.

Ҳар бир инсон ишини яхши бажариши ва бунинг учун яхши мукофот олишни ўз олдига мақсад қилиши лозим [3]. Моддий ва маънавий бой инсонгина ўз касбини севади ва садоқат билан ўз хизмат вазифаларини бажаради.

Тўғри фикр, ички ишлар органлари ходимларининг ижтимоий ҳимояси кадрлар сиёсатининг устувор йўналишларидан бири, шу касбнинг жозибадорлиги деб ҳисобланиши ва ўзига жалб қила олиши керак.

Тадқиқотимиздаги ижтимоий сўровлар ушбу фикрни тасдиқлайди. Яъни *“Ички ишлар органларида ижтимоий ҳимоя қанчалик муҳим?”* деган саволга иштирокчи ички ишлар органларининг ходимлари аксарият кўпчилиги (92%) *“ижтимоий ҳимоя бўлиши зарур, шунда хизматда яхши натижа бўлади”* дея жавоб беришган. Демак, тизимда ижтимоий ҳимоя ҳам муҳим мотивацион омил ҳисобланади.

Профессор М.А. Усманова фикрига кўра, *“ҳаммабоп”* ижтимоий ҳимоя модели мавжуд бўлмайди” [4]. Шу сабабли илк ислохотлар натижасида аҳолини ялпи ижтимоий ҳимоялаш тизими вужудга келтирилди, бир сўз билан айтганда, *“ижтимоий”* деган термин тўла маънода ишлатилади, аҳоли орасида *“ижтимоий ҳимоя”, “ижтимоий таъминот”* иборалари муомалага киритилди.

В.В. Антропов ва А.В. Кудоевларнинг қайд этишича, ушбу термин 1940 йилда халқаро мақомга эга бўлиб, ХМТнинг низомларида ўз аксини топди [5].

М.Бўриеванинг фикрига кўра, юриспруденция, иқтисодиёт, социология йўналишдаги адабиётларда ва илмий тадқиқот ишларида анъанавий равишда олимлар ва изланувчилар томонидан *“ижтимоий ёрдам”, “ижтимоий сиёсат”, “ижтимоий ҳимоя тизими”, “ижтимоий ҳимоянинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари”, “давлат ижтимоий ҳимоя сиёсати”, “нодавлат ижтимоий ҳимоя”* каби тушунчаларга илмий изоҳлар берилмоқда, ҳуллас *“ижтимоий”* сўзининг маъно-мазмунини аниқлаш ҳаракатлари бошланган [6].

Профессор М. Усманова ҳам *“ижтимоий ҳимоя”* тушунчасини тор ва кенг маънода талқин қилган олимлардан Д. Аҳмедов, Й. Турсунов, А. Иноятов, П. Шайхатдинов, В.С. Андреев, Р. Иванова, Т. Самуэльсон, Э. Робертсон, Е. Мачульская каби олимлар билан диссертация ишида илмий мунозаралар шакллантириб, қуйидагича ўзининг таърифини беради: *“ижтимоий ҳимоя”* – кенг маънода давлат ижтимоий сиёсатининг асосий мақсади ҳамда бош йўналишидан иборат бўлиб, фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш ҳамда кафолатлаш, инсон учун муносиб турмуш шароитини таъминлаш, объектив сабаблар билан ночор ва ёрдамга муҳтож инсонларга моддий ва бошқа шаклларда кўмак бериш, жамиятдаги ижтимоий адолат қарор топишига эришиш йўлида давлат ҳамда жамият томонидан изчил, мунтазам амалга ошириладиган ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий чора-тадбирлар мажмуидан иборатдир.

Шунингдек, инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг [7] ижтимоий ҳимояга муҳтожлик мезонини белгиловчи қуйидаги ижтимоий хавф-хатар мезонлари, яъни *“касаллик; оналик (бола тарбияси), ногиронлик, кексалик, ишсизлик, боқувчисидан жудо бўлиш, меҳнатда майибланиш ёки касб касаллигига*

чалиниш, ҳомиладорлик, бола туғиш” қаторига яқинларининг вафот этиши, табиий, техноген, ҳарбий ёки бошқа фавқулодда воқеа-ҳодисаларнинг содир бўлишини ҳам киритади [8].

Ижтимоий ҳимоянинг турли жиҳатларига бағишланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, махсус илмий адабиётлар мазмунини таҳлил қилиш ҳам ижтимоий ҳимоя атамасининг кенг ва тор маъносини аниқлаш имконини беради.

Ижтимоий ҳимоя – кенг маънода мамлакат аҳолисини ижтимоий ва моддий муҳофаза қилинишини таъминлайдиган ва жамиятда қарор топган ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий чора-тадбирлар мажмуи; тор маънода – давлат ва жамиятнинг ёши, саломатлиги ҳолати, ижтимоий аҳволи, тирикчилик воситалари билан етарли таъминланмагани туфайли ёрдамга, кўмакка муҳтож фуқаролар тўғрисидаги ғамхўрлиги.

Кўпчилик олимларнинг фикрича, ижтимоий ҳимоя тушунчаси биринчи марта 1935 йилда АҚШнинг “Ижтимоий хавфсизлик бўйича қонуни”да қўлланилган бўлиб, қариялар ва меҳнатга лаёқатсиз аҳоли қатламига ижтимоий ёрдам кўрсатиш масалалари бўйича дастурларни ишлаб чиқиш бўйича таклифлар келтирилган. Ижтимоий ҳимоя тушунчасининг мазмуни кейинчалик Халқаро меҳнат ташкилоти конвенцияларида мукаммалаштирилган.

Ривожланган демократик жамиятда ижтимоий ҳимоя вазифаларини бажаришни давлат ва жамият ўз зиммасига олади. АҚШ, Канада, Швейцария каби мамлакатларда ижтимоий ҳимоянинг кўпгина муаммолари ҳал этилган, лекин ечимини топмаган муаммолари ҳам жуда кўп [9].

Ўзбекистон миллий энциклопедиясида “Ижтимоий ҳимоя” тушунчасига, қуйидагича: “кенг маънода бу – мамлакат аҳолисини ижтимоий ва моддий муҳофаза қилинишини таъминлайдиган ва жамиятда қарор топган ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий чора-тадбирлар мажмуи; тор маънода – давлат ва жамиятнинг ёши, саломатлиги ҳолати, ижтимоий аҳволи, тирикчилик воситалари билан етарли таъминламагани туфайли ёрдамга, кўмакка муҳтож фуқаролар тўғрисидаги ғамхўрлиги” [10] дея таърифланган. Бу тушунчани таърифлашда инсоннинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари доирасини аниқлаб олиш лозимлиги ва давлат хизматчиларининг алоҳида тоифалари, яъни ҳарбийлар, ички ишлар органлари ходимларининг ижтимоий ҳимоясига атрофлича аҳамият қаратилган.

В.М. Анисимков ҳам жазони ижро этиш тизими ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш мазмунини очиб, шундай таъкидлайди: “Жазони ижро этувчи органлар ходимларини ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлашнинг асосий йўналишлари сифатида биз қуйидагиларни келтиришимиз мумкин: моддий рағбатлантириш, самарали ишлаши учун шароит яратиш, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларининг хавфсизлиги, ходимлар ва уларнинг оилалари фаровонлигини таъминлаш” [11].

Тор маънода “ижтимоий ҳимоя” термини санаб ўтилган ҳуқуқ турларидан бирини ҳимоя қилиш билан боғлиқ ёки бир неча турдаги ҳуқуқларнинг комбинациясини ҳимоя қилиш учун ишлатилиши мумкин.

Шундай қилиб, ижтимоий ҳимояни бир вақтнинг ўзида амалга ошириладиган иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий ҳимоя деб таърифлаш мумкин. Ушбу таърифдан келиб чиқадиган бўлсак, “ижтимоий ҳимоя” атамаси тор маънода ҳам турли хил мазмунга эга бўлиши мумкин: ҳуқуқларнинг бир неча турларини ҳимоя қилиш ва ҳуқуқ турларидан бирини ҳимоя қилиш сифатида, яъни иккинчи ҳолатда, биз бу термин ҳақида янада тор тушунчага эгамиз.

Ижтимоий ҳимоя муайян ҳимоя турларини, шу жумладан ҳуқуқий ҳимояни ўз ичига олган нуқтаи назарни бир қатор муаллифлар қўллаб-қувватлайди. Улар орасида юқорида келтирилган С.Д. Соловьёва [12], А.В. Стремоухов [13] ижтимоий ҳимояни “ҳокимият ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, мансабдор шахслар ва жамоат бирлашмаларининг қонунда мустаҳкамланган иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий чораларни амалга ошириш, Россиядаги ҳар қандай шахсни салбий омиллар объектив ва субъектив характерга эга бўлган иқтисодий, ижтимоий ва жисмоний таназзулдан ҳимоя қилиш бўйича фаолияти” деб таърифлайди.

С.Д. Порошук ҳам “милиция ходим”ларининг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояси тушунчасини қўллашда “милиция ходимларининг ўз касбий фаолияти мақсадларига эришиш учун қонуний воситалардан самарали фойдаланишни, ҳуқуқий мақомидан келиб чиққан ҳолда зарур имтиёз ва афзалликларга эга бўлиш ва улардан шахсий эҳтиёж ва манфаатларини қондириш учун амалда фойдаланиш давлат ва жамиятнинг бошқа тузилмалари томонидан кафолатланган имкониятларини” тушунишни таклиф қилади [14].

А.В. Коровников эса “ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя” атамасидан воз кечишни таклиф қилади ва ушбу тушунчаларни фарқлашни илгари суради. Ижтимоий ҳимоя деганда, ваколатли давлат органлари, ҳарбий маъмурият ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг ушбу хизматларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, эркинликлари ва бурчларини амалга ошириш учун шароит яратиш бўйича фаолиятини тушунишни таклиф этади [15].

Л.П. Храпилина [16] эса ижтимоий ҳимоя – шахсни, ижтимоий гуруҳни ва умуман аҳолини ижтимоий хавф -хатарлардан келиб чиқадиган турли хил муаммоларни комплекс, кўп қиррали ечимини таъминлайдиган давлат ва жамият воситалари орқали ҳуқуқлар, эркинликлар ва қонуний манфаатларни, иқтисодий мустақиллик ва ижтимоий фаровонликни ҳамда уларни мақбул мақбул ривожлантириш, тиклаш ёки харид қилиш қобилятини амалга оширишдаги давлат ва жамиятнинг фаолияти, сиёсати ва мақсадли ҳаракатлар мажмуидир деб таъкидлайди.

Биз юқоридаги олимларимизнинг энг аввало “ижтимоий ҳимоя” масаласига бўлган қизиқишларига, фаннинг дидактик таъминотини яхшилаш йўлидаги хизматларига ҳурмат билдирган ҳолда, “ички ишлар органлари ходимларининг ижтимоий ҳимояси” атамаси илмий-назарий тушунча сифатида ҳуқуқшунослик фанида илгари қўлланилмаганини, ишлаб чиқилмаганлигини қайд этишимиз лозим.

Агар биз аҳолининг ночор ёки мухтож тоифасини қамраб олиб, уларга пенсия тайинлаш, нафақалар тўлаш, ижтимоий ёрдам кўрсатиш, имтиёзлар хусусида фикр юритиш билан чекланиб қолсак, унда бу тушунча “ижтимоий таъминот” предметиға айланиб, тадқиқотимиз доирасини ҳам чеклаб қўйган бўламиз. Зеро, юридик адабиётларда “Ижтимоий таъминот деганда – фуқароларни қариганда, меҳнат қобилятини тўла ёки қисман йўқотган тақдирда, боқувчисини йўқотган ҳолларда, шунингдек болали оилаларни моддий жиҳатдан таъминлаш ва хизмат кўрсатиш давлат тизимидир” дея таъриф берилган [17] ва бу таъриф Ўзбекистон Конституциясининг 46-моддасига [18] асосланган: “Ҳар ким қариганда, меҳнат қобилятини йўқотганда, ишсизликда, шунингдек боқувчисини йўқотганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот ҳуқуқига эга”.

Ўзбекистон миллий энциклопедиясида “ижтимоий таъминот” тушунчасига “Кексайган, меҳнатга лаёқатсиз бўлган ва боқувчисини йўқотган фуқароларга моддий, тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш бўйича давлат томонидан белгиланган ижтимоий-иқтисодий чора-тадбирлар тизими” дея таъриф келтирилади [19] деб таъриф берилган.

Бизнинг назаримизда “ижтимоий ҳимоя” жуда кенг тушунча бўлиб, ижтимоий ҳимояга оид муносабатлар доираси ҳам ниҳоятда серқиррадир. Давлат ижтимоий ҳимоясининг муайян тоифасига назар ташлаб (масалан, ёшлар, қариялар, ногиронлар, ишсиз шахслар ёки кам таъминланган оилалар), марказий субъектлар доираси билан чегараланиш натижасида кўпинча аҳолининг заиф ёки кўмакка муҳтож тоифасини қўллаб-қувватлаш тизими деган фикр шаклланиб бўлган. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А. Каримовнинг билдирган қуйидаги фикрлари аҳамиятли: “Ўйлайманки, ижтимоий инфратузилмани, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларини янада ривожлантириш, аҳолини экологик ва бошқа хавф-хатарлардан муҳофаза этиш, қисқа қилиб айтганда, одамларимизнинг социал соҳа бўйича талаб ва эътирозларини қондириш масалаларига давлат доимий эътиборини ҳар томонлама кучайтириш лозимлигини исботлаб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак” [20].

Психолог А.А. Никоноров [21] Росгвардия тизимида ҳарбий хизматчилар хизмат мотивациясини оширишда “давлатни муҳофазалаш, жамиятга фойдаси тегиш” каби касбий фазилатлар қаторида уй-жой ва пул таъминоти яхши эканлиги муҳим омиллардан бўлишини таъкидлайди.

Биз ҳам фуқароларнинг ички ишлар органлари ходимларининг хизматига нисбатан бўлган қарашларини тубдан ўзгартириб, ёшларни Ватанни ҳимоясига, халқ хизматига ихтиёрий келишини кенг рағбатлантириш, шунингдек соҳада фаолиятни профессионал ва шарафли касб сифатида танлаб, кейинчалик хизмат фаолиятига бўлган иштиёқини, ватанпарварлигини янада кенг тарғиб этиш, ички ишлар органлари ходими деган касбнинг жозибадорлигини ошириш мақсадида соҳага оид тарқоқ бўлиб ётган қонунчилик нормаларининг ташкилий, моддий, молиявий, керак бўлса маънавий-ахлоқий характердаги кафолатларини яхлит бир тушунча сифатида “ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя” деб талқин этамиз. Яъни ижтимоий масалаларнинг ҳуқуқда аксини топганлигини тушунамиз.

Илм-фанда ижтимоий ҳимоя қонунчилиги таҳлиliga оид ёндашувлар одатда барибир “давлат ижтимоий таъминот тизимининг устувор”лиги фикр-мулоҳазалари билан яқунланмоқда [22].

Биз ички ишлар органларининг ижтимоий ҳимоясига оид миллий қонунчилигимизни тизимли ҳамда қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилганимизда, юқоридаги рўйхатни бирмунча кенгайтириш имкони борлигини аниқлаймиз. Бизнингча, юриспруденция йўналишида “Маъмурий ҳуқуқ”, “Меҳнат ҳуқуқи”га оид дарслик ва қўлланмаларда ички ишлар органларининг ижтимоий таъминоти етарлича ёритилмасдан, асосан “Узоқ йиллик хизмат даври”, “ички ишлар органларининг пенсияси” каби тушунчаларга муаллифлар томонидан қисқача маълумотлар берилган.

Қолаверса, ички ишлар органлари ижтимоий таъминотнинг махсус субъекти сифатидаги ўзига хос хусусиятларига, Ички ишлар вазирлиги қўйи турувчи ижтимоий таъминот бўлимлари фаолиятига аналитик таҳлил қаратилмаганлиги, умуман олганда бу каби масалаларга оид маълумотлар асосан очиқланмаганлиги боис диққат қаратилмасдан келинган.

Бир сўз билан айтганда ҳуқуқ фанларининг долзарб муаммолари ҳуқуқни қўллаш амалиётига қаттиқ таъсир кўрсатмоқда. Илмий-назарий адабиётларда эса ички ишлар органларининг ижтимоий таъминоти муаммолари тадқиқ этилмасдан қолиб кетмоқда.

Ички ишлар органлари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш – бу ички ишлар органлари ходимлари ва бошқа ҳуқуқ субъектлари ўртасида ходимларга, уларнинг оила аъзоларига ижтимоий ҳимоя бериш муносабати билан юзага келадиган ҳуқуқий ҳужжатлар асосида шаклланган ҳуқуқий муносабатлар тизимидир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ички ишлар органлари ходимларининг ижтимоий ҳимояси тушунчасига муаллифлик таърифини берар эканмиз, демак, **“Ички ишлар органлари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш** – бу ички ишлар органлари ходимлари ва уларнинг оила аъзоларини, пенсионерлар ҳамда фахрийларни ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатлаш, улар учун муносиб турмуш шароитларини таъминлаш, моддий рағбатлантириш ва ижтимоий-психологик томондан қўллаб-қувватлаш бўйича амалга ошириладиган барча ташкилий-ҳуқуқий, иқтисодий чора-тадбирлар комплекс мажмуи”ни тушунишимиз лозим.

Ички ишлар органлари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш улар томондан хизмат фаолиятларини самарали бажаришларига хизмат қилади. Айтишимиз мумкинки, ички ишлар органлари ходимларининг ижтимоий ҳимояси биринчи навбатда, мамлакатимиздаги фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилишдан фарқ қилмайди. Иккинчидан эса ижтимоий ҳимоя субъектининг таркиби ва унинг ҳуқуқий мақомининг хусусиятлари билан белгиланади.

“Ички ишлар органлари ходимларининг ижтимоий таъминоти эса бу – давлат томонидан ўз бюджет маблағлари ҳисобидан ички ишлар органлари ходимлари ва уларнинг оила аъзоларини, қонунчиликда белгиланган тартибда пул ва нафақа таъминоти билан таъминлаш [23], ижтимоий ёрдам ва имтиёзлар бериш [24] орқали қўллаб-қувватлаш” ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (30.04.2023) // Электрон манба: <https://lex.uz/docs/6445145> (Constitution of the Republic of Uzbekistan (30.04.2023) // electronic source: <https://lex.uz/docs/6445145>).

2. Искандаров Ф. Ҳуқуқий билим – тараққиёт пойдевори// Ўқув методик қўлланма. – Т.: Фан ва технологиялар марказининг босмахонаси. 2014. – Б.41 (Iskandarov F. Legal bilim is the basis of development. He is methodical. – T.: Discipline and technologies of centralized basmachism. 2014. – B.41).

3. Аҳмедов Д.Қ. Бозор муносабатлари шароитида давлат ижтимоий ҳимоя сиёсатининг ҳуқуқий жиҳатлари// Тошкент: ТДЮИ, 2006. – 27 б (Ahmedov D.Q. Legal aspects of the state social protection policy in the context of market relations// Tashkent: TDYUI, 2006. – 27 b).

4. Генри Форд. Моя жизнь, мои достижения // Электрон манба: <https://www.google.co.uz/books> (Henry Ford. My life, my achievements // <https://www.google.co.uz/books>).

5. Усманова М.А. Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳимояни ташкил этишнинг фуқаролик-ҳуқуқий муаммолари: юрид.фан.док.дисс.автореф// Тошкент: ТДЮИ, 2006. – 38, 72, 352 б (Usmanova M.A. Civil-legal problems of organizing social protection in the Republic of Uzbekistan: yurid.fan.doc.diss.avtoref// Tashkent: TDYUI, 2006. – 38, 72, 352 b).

6. Кудяев А.В. Социальная защита военнослужащих в условиях социально-экономического развития России: дисс. канд.экон.наук// Саратов, 2017 г.- С.17 (Kudaev A.V. Social protection of military personnel in the conditions of socio-economic development of Russia: dissertation of the Candidate of Economics.sciences'// Saratov, 2017- p.17).

7. Бўриева М. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти // Т.: ТДЮИ нашриёти, 2011 йил. – 123 б (Bourieva M. Theory and practice of building a democratic society in Uzbekistan / / Т.: Tdyui publishing, 2011. – 123 b).

8. Саидов А.Х. Права человека // (Сборник международных договоров и Законов Республики Узбекистан). Том 1. – Т.: Шарк, 1995 год. – С 10, 265 (Saidov A.H.Human rights // (Collection of international treaties and Laws of the Republic of Uzbekistan). Volume 1. – Т.: Shark, 1995. – С 10, 265)

9. Расулов М. Инсон тараққиёти тўғрисида маъруза // Электрон манба: https://n.ziyouz.com/books/uzbekiston_milliy_ensiklopediyasi (Rasulov M. Lecture on Human Development//electronic source: https://n.ziyouz.com/books/uzbekiston_milliy_ensiklopediyasi)

10. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 4-жилд // Ўз.Давлат илмий нашриёти, 2002. – 89-90, 658 б (National Encyclopedia of Uzbekistan. Volume 4 / / Uz.State Scientific Publishing House, 2002. – 89-90, 658 b.).

11. Анисимков В.М. Реформа системы управления органами исполняющими наказания в виде лишения свободы, (теоретические основы и механизм реализации). М. 1994 с. 29. (Anisimkov V.M. Reform of the management system of bodies executing sentences in the form of imprisonment, (theoretical foundations and mechanism of implementation). М. 1994 p. 29.)

12. Соловьева С.Д. Правовое регулирование социальной защиты населения: автореф.дисс.канд.юрид.наук. Москва. 1997 г. С. 112 // Elektron manba: <https://www.dissercat.com/content/pravovoe-regulirovanie-sotsialnoi-zashchity-naseleniya> (Solovyova S.D. Legal regulation of social protection of the population: abstract of the dissertation of the Candidate of Legal Sciences. Moscow. 1997, p. 112 // Electron manba: <https://www.dissercat.com/content/pravovoe-regulirovanie-sotsialnoi-zashchity-naseleniya>)

13. Стремоухов А.В. Правовая защита человека (теоретический аспект): автореф.дисс.док.юрид.наук. Санкт-Петербург. 1996 г. – С 19. (Stremoukhov A.V. Human legal protection (theoretical aspect): abstract of the dissertation of the Doctor of Law. St. Petersburg, 1996 – Since 19).

14. Порошук. С.Д. Общетеоретические аспекты социально – правовой защиты сотрудников милиции: автореф.дисс.канд.юрид наук. – М., 1994. – С 22 (Poroshchuk. S.D. General theoretical aspects of social and legal protection of police officers: abstract of the dissertation of the candidate.Law of Sciences. – М., 1994. – From 22).

15. Коровников А.В. Социальная защита военнослужащих и в зарубежных государствах: правовое регулирование: автореф. дисс. док.юрид.наук // Москва 2000. – С 82. // Elektron manba: <https://www.dissercat.com> (Korovnikov A.V. Social protection of military personnel and in foreign countries: legal regulation: abstract of the dissertation of the Doctor of Law.sciences// Moscow 2000. – From 82. // Electron manba: <https://www.dissercat.com>).

16. Храпылина. Л.П. Социальная политика //Учебник под общей ред. Н.А.Волгина. – М., 2002. – С 431 (Khrapylyna L.P. Social policy //Textbook under the general editorship of N.A.Volgin. – М., 2002. – From 431).

17. Иноятлов А. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий таъминот ҳуқуқи // Дарслик. ТДЮИ, 2005 йил. –18 б (Inoyatov A. Social Security Law of the Republic of Uzbekistan // textbook.TDYUI, 2005. -18 b).

18. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (30.04.2023) // Электрон манба: <https://lex.uz/docs/6445145> (Constitution of the Republic of Uzbekistan (30.04.2023) // electronic source: <https://lex.uz/docs/6445145>).

19. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 4-жилд // Ўз.Давлат илмий нашриёти, 2002. – 89-90, 658 б (National Encyclopedia of Uzbekistan. Volume 4 // Uz.State Scientific Publishing House, 2002. – 89-90, 658 b.).

20. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада кучайтириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари // Т.: Ўзбекистон, 2002. – Б. 26 (Karimov I.A. The main directions of further strengthening democratic changes in Uzbekistan and the formation of the foundations of civil society // Т.: Uzbekistan, 2002. – B. 26).

21. Никоноров А.А. Развитие мотивации офицеров к служебно-боевой деятельности в частях Войск Национальной гвардии Российской Федерации: автореф.дисс.канд.пед.наук. Москва, 2020 г. – С 24 // Elektron manba: <https://www.dissercat.com> (Nikonorov A.A. The development of motivation of officers for service and combat activities in units of the National Guard of the Russian Federation: abstract of the dissertation of the Candidate of Pedagogical Sciences. Moscow, 2020 – From 24 // <https://www.dissercat.com/>)

22. Иноятлов А. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий таъминот ҳуқуқи // Дарслик. ТДЮИ, 2005 йил. –18 б (Inoyatov A. Social Security Law of the Republic of Uzbekistan // textbook.TDYUI, 2005. -18 b).

23. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар органлари ва Миллий гвардиясининг шахсий таркиби ҳамда оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини тартибга солиш тўғрисида”ги 354-сонли қарор// Электрон манба: <https://lex.uz/uz> (Resolution No. 354 of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated July 4, 2022 "on the regulation of the personal composition of the internal affairs bodies and National Guard of the Republic of Uzbekistan and the system of social protection of family members" // Electronic source: <https://lex.uz>).

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги “Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3413-сон Қарори //Электрон манба: <https://lex.uz/uz> (Decree of the president of the Republic of Uzbekistan of November 29, 2017 "on measures to radically improve the procedure for working with personnel of internal affairs bodies and the organization of their service"PQ-3413 //electronic source: <https://lex.uz/uz>).